

Мирзаева Лола Наимовна,
Тошкент давлат юридик университетининг
“Суд ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органлар ва
адвокатура кафедраси ўқитувчи ёрдамчиси

АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УНИНГ ЮРИДИК ОҚИБАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада аттестация (малака) комиссияси томонидан қабул қилинадиган қарорнинг ҳуқуқий табиати ва унинг юридик оқибатлари атрофлича таҳлил қилинади. Аттестация комиссияси давлат бошқаруви, таълим, тиббиёт, фан ва бошқа соҳалардаги ходимларнинг малакасини баҳолаш ҳамда уларга белгиланган талабларга жавоб бериш-бермаслигини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Унинг қарори ходимнинг лавозимида қолиши, унга тўловлар белгиланиши ёки ишдан бўшатилиши каби муҳим юридик ҳолатларни белгилаб беради. Мақолада шундай қарорларнинг ҳуқуқий асослари, уни қабул қилишдаги тартиб ва мезонлар, шунингдек, қарор устидан шикоят қилиш имкониятлари ҳам ўрганилади. Бу таҳлил орқали аттестация жараёнида шаффофлик ва адолат таъминланиши учун ҳуқуқий ёндашувларни шакллантириш мақсад қилинган.

Калит сўзлар: Аттестация комиссияси, қарорнинг ҳуқуқий табиати юридик оқибатлар меҳнат ҳуқуқи, кадрлар сиёсати, малакани баҳолаш тартиби, қарор қабул қилиш, мезонлари, шикоят қилиш ҳуқуқи, давлат бошқаруви, ходимларни баҳолаш, қонунийлик ва адолат аттестация натижалари, ишдан бўшатиш асослари, ҳуқуқий қафолатлар

Мирзаева Лола Наимовна,
Преподаватель кафедры «Суд, правоохранительные органы и адвокатура»
Ташкентского государственного юридического университета

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА РЕШЕНИЯ АТТЕСТАЦИОННОЙ КОМИССИИ И ЕГО ЮРИДИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье всесторонне рассматривается правовая природа решений аттестационной комиссии и их юридические последствия. Аттестационные комиссии играют ключевую роль в оценке квалификации работников в сферах государственного управления, образования, медицины, науки и других. Решения комиссии могут повлиять на сохранение должности, назначение выплат или даже увольнение сотрудника, что придаёт таким решениям юридическую значимость. В статье анализируются правовые основы принятия решений, процедура и критерии их вынесения, а также возможности обжалования. Автор подчёркивает важность соблюдения принципов прозрачности и справедливости в процессе аттестации, предлагая правовые подходы для повышения эффективности и легитимности решений комиссий. Такой анализ особенно актуален в условиях реформирования кадровой политики в различных секторах.

Ключевые слова: Аттестационная комиссия, правовая природа решения, юридические последствия, трудовое право, кадровая политика, оценка квалификации, порядок аттестации, критерии принятия решения, право на обжалование государственное управление, оценка сотрудников, законность и справедливость, результаты аттестации, основания для увольнения, правовые гарантии.

Mirzaeva Lola Naimovna,
Lecturer of the Department of "Court, Law
Enforcement Agencies and Advocacy"
of Tashkent State University of Law

THE LEGAL NATURE OF THE CERTIFICATION COMMISSION'S DECISION AND ITS LEGAL CONSEQUENCES

ANNOTATION:

This article provides a comprehensive analysis of the legal nature of certification (attestation) commission decisions and their legal consequences. Certification commissions play a crucial role in evaluating the qualifications of professionals in areas such as public administration, education, healthcare, science, and more. Their decisions often have significant legal implications — including whether an employee retains their position, receives bonuses or allowances, or faces dismissal. The article explores the legal foundations of such decisions, the procedures and criteria used in their formulation, and the mechanisms for appealing them. It emphasizes the importance of ensuring transparency and fairness in the attestation process and proposes legal approaches to strengthen the legitimacy and effectiveness of commission decisions. This analysis is especially relevant in the context of ongoing reforms in human resources policy across various sectors.

Keywords: certification commission, legal nature of the decision, legal consequences, labor Law, personnel policy / HR Policy qualification assessment, certification, procedure, decision-making criteria, right to appeal, public administration, employee evaluation, legality and fairness certification, results grounds for dismissal, legal guarantees.

Ходимларни аттестациядан ўтказиш жараёни ҳар қандай ташкилот фаолиятининг сифатини ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аттестация комиссиясининг қарорлари ходимларнинг касбий малакаси, лавозимга мослиги ва меҳнат фаолиятининг давом эттирилиши ёки тугатилиши бўйича ҳал қилувчи ҳуқуқий таъсирга эга бўлади. Шу боис, ушбу қарорларнинг ҳуқуқий табиати ва уларнинг оқибатларини чуқур ўрганиш меҳнат ҳуқуқи соҳасида долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 161-моддасида аттестация натижалари асосида иш берувчи ходимнинг касбий малакасининг етишмаслиги ёки лавозимга мос келмаслиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш имкониятлари белгиланган. Бунда қарорнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатлари муҳим омил саналади. Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 164-моддасида қасаба уюшмасининг розилиги олинмаган тақдирда, иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш қарори қонуний ҳисобланмаслиги аниқ кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзларида таъкидланишича, «Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муносабатларини тартибга солишда энг асосий тамойил — ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, адолатли муносабатни таъминлашдир»[1]. Ушбу тамойилни ҳисобга олган ҳолда, аттестация комиссияси қарорларининг қонунийлиги ва ходимларга таъсири нафақат меҳнат ҳуқуқининг, балки ижтимоий барқарорликнинг асосидир. Шу боис, аттестация комиссияси қарорининг ҳуқуқий табиати, унинг қабул қилиш тартиби ҳамда ходимларга таъсир этувчи оқибатлари амалдаги қонунчилик доирасида пухта ўрганилиши ҳамда таҳлил қилиниши долзарбдир.

Аттестация комиссияси аъзолари белгиланган жойда йиғилгандан сўнг, мажлисни бошлашдан олдин котиб томонидан кворум мавжудлиги текширилади. Бу — йиғилишнинг қонуний ва ваколатли деб тан олиниши учун асосий шарт ҳисобланади. Қоидага кўра, комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда мажлис ваколатли ҳисобланади. Масалан, 7 нафарлик комиссия учун камида 5, 9 нафарлик комиссия учун эса камида 6 аъзо иштирок этиши лозим. Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, агар кворум таъминланмаса ёки масофавий иштирок этиш назарда тутилган ҳолда ҳам, аъзоларнинг реал иштирок этиши таъминланмаса, бу аттестация жараёнининг қонунийлигига шубҳа туғдириб, кейинчалик низоли вазиятларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 25 октябрь кунидаги 01/1620-А/Ф-сонли буйруққа асосан Сурхондарё вилоятидаги спорт-таълим муассалари раҳбарлари, уларнинг ўрнибосарлари, йўриқчи-услубчилари ҳамда тренерларни аттестация (сухбат)дан ўтказиш

2024 йил 22-29 ноябр кунларида ўтказилиши белгиланиб, спорт вазири ўринбосари раислигида жами 12 нафар шахсдан иборат бўлган аттестация комиссияси таркиби тасдиқланган.

Сурхондарё вилоятидаги спорт-таълим муассалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, йўриқчи-услубчилари ҳамда тренерларни аттестация (сухбат)дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандига кўра, комиссия раиси аттестация комиссияси мажлисига раислик қилиши ҳамда аттестация комиссияси мажлиси аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашганида ваколатли ҳисобланиши белгиланган. Шунингдек, ушбу низомнинг 26-бандига асосан аттестация комиссиясининг мажлисида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда қарор қабул қилишда ваколатли ҳисобланиши, хизмат сафари ва узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган аттестация комиссия аъзолари аттестация комиссияси йиғилишида «Zoom» платформаси орқали иштирок этиши мумкинлиги қайд этилган.

Иш ҳужжатларига кўра, низоли бўлган аттестация комиссиясининг баёнида раислик қилувчи Ш.Махмудов ҳамда Ш.Муминджанов, Ф.Турдиев, М.Рахматхўжаев, А.Махаммадиев, А.Ходжаев, А.Амонов, Ш.Эшмуминов, Я.Артиков иштирок этишган. Бироқ, суд, жавобгар вакиллари томонидан тақдим этилган З.Турдиева билан ўтказилган сухбат ёзиб олинган видеотасвирда аттестация комиссияси ўзини таништирмаган, аттестация комиссияси аъзолари тасвирга олинмаган, шу жумладан аттестация комиссияси раиси Ш.Махмудовни иштироки акс этмаган. Бундан ташқари, жавобгар вакиллари томонидан тақдим этилган аттестация ўтказилган кунни комиссияси аъзоларининг расмида жавобгарларнинг тушунтиришларига кўра, С.Шомуродов, А.Махаммадиев, М.Рахматхўжаев, Ф.Турдиев, С.Тоштурдиев, Сурхондарё вилояти спорт бошқармаси кадр бўлими ходимаси акс эттирилган. Жавобгар томонидан тақдим этилган ушбу далилларда аттестация комиссияси таркибида қворум бўлмаганлиги кўринадиган, чунки юқоридаги низом талабларига кўра аттестация комиссияси ваколатли бўлиши учун унда 2/3 қисми, яъни 8 киши иштирок этиши керак бўлган. Шунга қарамайдан, аттестация комиссиясининг 2024 йил 30 ноябрь кундаги 2-сонли баёнига кўра, Турдиева Зухра Гаффоровна аттестацияга жалб этилган ҳамда у яқунда аттестациядан ўтмаган деб топилган.

Суд, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиши натижасида аттестация комиссияси раиси, спорт вазири ўринбосари Ш.Махмудов аттестация жараёнида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиб, раислик қилганлигининг тасдиқловчи мақбул ва ишончли далиллар мавжуд эмаслигини, аттестация комиссиясида аттестацияни ўтказиш вақтида қворум бўлганлигини тасдиқловчи ишончли далиллар жавобгар томонидан тақдим этилмаганлиги, иш ҳужжатларида аттестациядан ўтувчи З.Турдиева имзо қўйдириш орқали аттестациядан ўтиш ҳақида буйруқ ва саволнома билан танишганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини, аттестацияни ўтказиш спорт вазири буйруғида 2024 йил 22 ноябрдан 29 ноябрга қадар белгиланган бўлсада, аттестация бир кун кечикиб, 30 ноябрь кунни ўтказилганлигини, юқорида қайд этилган ҳолатларда аттестацияни ўтказиш тартиби бир неча маротаба бузилганлигини инобатга олиб, даъвогар Турдиева Зухра Гаффоровнанинг даъво аризасини асосли деб ҳисоблаган ва уни қаноатлантириш лозимлиги ҳақида хулосага келган[2].

Аттестация комиссияси котиби қворум мавжудлигини аниқлаш билан бирга, йиғилишга раислик қилиш ҳуқуқига эга шахснинг қатнашиши ёки йўқлигини ҳам текшириши лозим. Аттестация йиғилишида раислик қилиш ҳуқуқи фақат комиссия раиси ёки унинг ўринбосарига тегишли; улар қатнашмаган тақдирда мажлис бошқа кунга кўчирилади. Бу талаб — аттестация жараёнининг қонунийлиги ва қарорларнинг ҳуқуқий асосланганлигини таъминлашга хизмат қилади. Ходимлар мажлис санаси ва вақти тўғрисида олдиндан ёзма равишда хабардор қилиниши шарт. Раис аттестация жойи ва муддатини белгилайди, иштирокчилар рўйхатини тасдиқлайди, ташкилий масалаларни ҳал этади. Котиб эса аттестация жадвалини тузади, маълумотномаларни тайёрлайди, жой ва

сана ҳақида иштирокчиларга ахборот беради. Кворум таъминланиши текширилади, қатнашмаган ходимлар ҳақида маълумот тўпланади. Узрли сабаб билан қатнашмаганлар кейинги мажлисга чақирилиши лозим; узрсиз сабаб билан қатнашмаганлар ҳам қайта аттестациядан ўтиш имкониятига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар ходим такрорий чақирувларга ҳам жавоб бермаса, комиссия уни “аттестациядан ўтмади” деб баҳолаш ва лавозимга номос келмаслиги ҳақида хулоса чиқариш ҳуқуқига эга. Аттестацияда тест синовини жорий этиш муҳим саналади. У нафақат касбий билим, балки шахсий фазилатлар, психологик барқарорлик ва жамоавий муносабатларни ҳам баҳолаш имконини беради. Бу ҳақда О.О. Силова: «Инсон – инсон» типигаги касбий фаолият соҳаларида жамоа ичидаги психологик муҳит, шахсий фазилатлар ва психологик ҳолатларни аниқлашга қаратилган тестлардан фойдаланиш мажбурий бўлиши лозим[3] », – деб таъкидлайди. Аттестация тестлари автоматлаштирилган, аноним тизим орқали ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Тестдан олдин ҳар бир ходимдан қуйидагилар сўралади: – аттестация тўғрисида хабардорлиги; – тест саволлари мазмунидан хабардорлиги; – соғлиғи ҳолати; – комиссия аъзоларига нисбатан эътирози бор-йўқлиги. Ҳеч қандай савол ва эътирози бўлмаган ходим тестга киритилади. 50 саволга 50 дақиқа вақт берилади. Тест натижалари котиб томонидан умумлаштирилиб комиссияга тақдим этилади. Комиссия тест ва суҳбат натижаларига таянилган ҳолда якуний қарор чиқаради. Шунинг учун тестда топилиши лозим саволлар сонини белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. С.В. Шекшня таъкидлайди: “Суҳбат самарадорлиги учун ходим меҳнат фаолиятини лавозим йўриқномаси, малакалик картаси, компетенциялар картаси ва шахсий ривожланиш режаси асосида фактлар билан баҳолаш, кейинги аттестация даври учун ривожланиш режасини тайёрлаш зарур[4].”.

Аттестация комиссияси йиғилишида муҳокама этиладиган муҳим ташкилий масалалардан бири — аттестациядан ўтаётган ходимлар орасида ким биринчи навбатда тест синовини ва суҳбатдан ўтиши кераклигини аниқлашдир. Фикримизча, комиссия аъзолари ҳам агар аттестациядан ўтаётган бўлса, уларнинг аттестацияси биринчи бўлиб, белгиланган қоидаларга тўлиқ риоя этилиб ўтказилиши керак. Бу ёндашув аттестация жараёнининг ҳолис ва манфаатлар тўқнашувисиз ўтиши ҳамда келгусида қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва ишончлилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, комиссия аъзоси ўзини баҳоланаётган бўлса, у аттестация ҳақидаги қарорга овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва комиссия фаолиятининг ҳолислигини сақлаш учун зарур. Агар комиссия котиби ҳам аттестациядан ўтаётган бўлса, у ҳам бошқа ходимларга нисбатан устуворлик билан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши керак, чунки у аттестация жараёнида муҳим ташкилий ва ҳуқуқий вазифаларни бажаради. Котиб вазифаси вақтинча бошқа аъзога юкланади. Аттестациядан сўнг, агар комиссия аъзоси ёки котиби «лавозимига лойиқ» ёки «шартли лойиқ» деб топилса, у комиссия фаолиятини тўлақонли давом эттириши мумкин, чунки бу ҳолат расмий хулоса билан тасдиқланади. Шунингдек, аттестация жадвалига мувофиқ барча ходимлар комиссияга чақирилиши ва суҳбатдан олдин, комиссия раиси томонидан уларнинг аттестациядан хабардорлиги, тахминий саволлар билан танишлиги, соғлиғи ҳолати ва комиссия таркибига нисбатан эътирозлари бор ёки йўқлиги аниқланиши шарт.

Аттестация ўтказиш вақти ва жойи борасида ходимни хабардор қилишга оид Л.А.Егошинанинг фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Унга кўра, аттестациядан ўтаётган ходимни хабардор қилиш усули сифатида электрон почта орқали билдириш юбориш ҳуқуқий жиҳатдан асосли деб ҳисобланмайди. Л.А.Егошина ўз фикрини давом эттириб, ходимни электрон почта орқали хабардор қилиш усули аттестациядан ўтаётганларнинг ҳуқуқларини бузади, чунки аттестация ўтказилиши тўғрисидаги билдиришномани электрон почта орқали юбориш натижасида ходим бу билдиришномани олгани ва у билан танишгани ҳақида тўлиқ ишонч билан хулоса чиқариб бўлмайди. Агар хабар қайтарма манзил орқали ходим томонидан қабул қилинган бўлса ҳам, бу ҳолат унинг ушбу хабар билан шахсан танишганини англатмайди. Бу эса турли объектив сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иш берувчи эса, ўз навбатида, ходим ушбу билдиришномани ҳақиқатдан ҳам олганини ва у билан танишганини тасдиқлаш имкониятига эга эмас[5]. Шу боис, аттестациядан ўтаётган ходимларни ёзма тарзда хабардор қилиш тартибини қонунчилик даражасида акс эттириш зарур.

Олиб борилган таҳлиллар ва амалий кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда аттестациядан ўтаётган ходимлар мазкур жараёнда иштирок этишга тайёргарлик кўришда ташкилий-ҳуқуқий ва шахсий масъулият нуктаи назаридан етарли даражада ёндашмаётгани кузатилмоқда. Хусусан, уларнинг аттестациянинг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида расмий равишда хабардор қилинганлиги, аттестация жараёнида қўйилиши мумкин бўлган тахминий саволлар билан олдиндан танишиб чиққанлиги, ўзининг соғлиғининг ушбу жараёнда тўлиқ иштирок этишга яроқли ҳолда эканлигини баҳолаганлиги, шунингдек, аттестация комиссияси таркибига нисбатан манфаатлар тўқнашуви ёки шахсий адоват мавжудлиги каби муҳим омилар юзасидан фикр билдириш зарурлигига етарлича эътибор қаратмаётгани ҳолатлари мавжуд. Масалан, Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 2023 йил 17 февраль куни кўрилган фуқаролик ишида жавобгар Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан ходим Муйдинов Бахтиёр Ферузжон ўғлига нисбатан 2022 йил 30 май куни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши лозимлиги ҳақида хулоса қилинган бўлиб, орадан атиги 15 кун ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 сентябрь кунидаги 263-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органларида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома талабларига риоя қилинмаган ҳолда аттестация ўтказилишидан камида бир ой олдин огоҳлантирмасдан аттестациядан ўтказилган. Аттестация матни эса даъвогар Б.Ф.Муйдиновнинг қайд этишича, унга аттестация матни билан танишганлиги ва эътирози йўқлиги тўғрисида аттестация ўтказиладиган куннинг ўзида, яъни аттестацияга киришидан олдин бўш бланкага имзо қўйдириб олинган, аслида аттестация матни билан танишмаган, таништирилган санаси эса у томонидан қайд этилмаган[6].

Натижада, айрим ходимлар аттестация жараёнида жисмоний ёки руҳий зўриқиш сабабли саломатлик муаммоларига дуч келмоқда ва шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож ҳолатлар юзага келмоқда. Шу билан бирга, агар шахсий адоват бўлса, ходимлар бу ҳақда комиссияни олдиндан хабардор қилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда, бу эса баҳолаш жараёнида субъективликка олиб келиб, ходимнинг аттестациядан ўта олмаслигига сабаб бўлмоқда. Шу боис, аттестациядан ўтаётган ҳар бир ходимдан ушбу муҳим масалалар бўйича олдиндан холис, масъулиятли ва онгли равишда муносабат билдириш, шу саволларга расмий жавоб қайтариш талаб қилинади. Бундай ёндашув аттестация баҳоларининг ишончли бўлишини таъминлайди. Аттестация жараёнида муҳокама этилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири — аттестациядан ўтаётган ходимнинг бевосита раҳбари иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий аҳамиятидир. Бу ерда раҳбар аттестация комиссияси аъзоси сифатида эмас, балки ходимнинг фаолияти тўғрисида ахборот манбаи сифатида қатнашиши назарда тутилади. Амалиёт кўрсатмоқдаки, бевосита раҳбар ходимнинг меҳнат вазифалари, касбий фаолияти, интизоми ва ички тартибга риоя этиши ҳақида энг тўлиқ ва объектив маълумотга эга шахс ҳисобланади. Унинг аттестацияда иштирок этиши — сўровлар ва тушунтиришлар бериш орқали ходим фаолиятининг холис баҳоланишига хизмат қилади.

Бу борада миллий ҳуқуқий тизимга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 сентябрь кунидаги 263-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органларида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 6-бандига асосан аттестация комиссияси мажлисида аттестациядан ўтаётган ходимнинг бевосита бошлиғи иштирок этиши шартлиги белгиланган[7]. Шунга қарамайдан айрим ҳолатларда аттестация комиссияси мажлисида аттестациядан ўтаётган ходимнинг бевосита бошлиғи иштирок этмаслик ҳолатлари

кузатилмоқда. Масалан, аттестация комиссиясининг мажлисида Бухоро шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг ММИБ ўринбосари С.Қурбонов иштирок этиб, йўриқнома талабига зид равишда мажлисда аттестациядан ўтадиган ходим Б.Ф.Муйдиновнинг бевосита бошлиғи иштирок этмаган[8].

Шу боис, бевосита раҳбарнинг аттестация жараёнида (аммо комиссия таркибида бўлмаган ҳолда) иштирокини таъминлаш, унинг фикрини эшитиш ва зарур ҳолларда ёзма равишда ҳулоса талаб этиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Аттестация жараёнида ҳар бир ходим автоматлаштирилган ахборот тизими орқали билим ва малакасини баҳолаш учун саволларни тасодифий танлайди. Учинчи ёки бешта савол комиссия котиби томонидан расман чоп этилиб, ходимга тақдим қилинади. Саволларни қайта танлаш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бу жараён ошкоралик ва ҳолисликни таъминлашга қаратилган. Ходимга саволларга тайёргарлик кўриш учун 30 ёки 50 дақиқа вақт берилади. Саволлар ва жавоблар аттестация варақасида аниқ ва тўлиқ акс эттирилади, бу ҳужжат баҳолаш натижалари ва ҳукукий низоларни ҳал этишда асосий манба ҳисобланади. Суд амалиётига кўра, аттестацияда берилган саволлар сонига аниқ чеклов белгиланмаган, бу ҳукукий ва амалий муаммоларга олиб келмоқда. Масалан, 2023 йил 8 август куни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ўтказилган 31-сонли аттестация мажлисида комиссия аъзолари томонидан аттестациядан ўтаётган Мамиров Жавохир Абдурахмон ўғлига 14 та савол берилган[9]. Шу боис саволлар сонига аниқ меъёрлар, мазмун ва турига оид нормалар жорий этилиши зарур. Ҳукукий ҳужжатларда саволларга берилган жавоблар қуйидагича баҳоланиши таклиф этилади: тўғри, қисман тўғри, нотўғри ва жавоб берилмади. Ходимнинг хизмат фаолияти, касбий салоҳияти ва шахсий фазилатлари жавоблари, мулоҳазалари ва ҳуқ-атвори асосида баҳоланади. Аттестация комиссияси бу натижаларни ходим иштирокисиз очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилади. Қарор қабул қилишда ходим фикри инобатга олинмайди.

Бу борада А.В.Моисеевнинг фикрини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унга кўра, аттестация натижалари бўйича қарор қабул қилиш босқичида – ҳулоса шакллантиришда аттестациядан ўтказилаётган ходим тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, унинг ўз меҳнати ва имкониятларини амалга ошириши ҳақидаги шахсий фикри инобатга олиниши лозим[10].

Аттестациядан ўтаётган ходим тўғрисидаги якуний қарор аттестация комиссияси аъзоларининг очиқ овоз бериш йўли билан оддий кўпчилик овоз асосида қабул қилинади. Овоз беришда раис охирида овоз беради, комиссия аъзолари бетараф қолишига йўл қўйилмайди, котибнинг овоз бериш ҳукуқи йўқ. Амалда овозлар тенг келиб қолса, ҳукукий назарияда икки ёндашув мавжуд: биринчиси — раиснинг овози ҳал қилувчи, иккинчиси эса — аттестациядан ўтаётган шахс “ўтди” деб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, иккинчи ёндашув маъбул, чунки бу ходим фойдасига қарор қабул қилинишига имкон беради, адолат ва қонунийликни таъминлайди ҳамда субъективликни камайтиради. Овоз бериш якунлангач, натижа оғзаки эълон қилиниши, ходимга шикоят қилиш ҳукуқи тушунтирилиши ва натижа аттестация варақасига киритилиши лозим. Аттестация жараёнининг ҳолислиги ва ишончлилигини таъминлаш учун аттестация варақалари ва баённомалар мазмуни ўзгармаслиги керак, улар расмийлаштирилгандан кейин ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бу тартиб субъектив аралашув, манфаатлар тўқнашуви ва сохталаштириш хавфини камайтиради ҳамда ҳукукий барқарорликни таъминлайди. Шу билан бирга, ходимларнинг касбий яроқлилиги ва малакасини аниқлаш асосий мақсад бўлиб, фаолияти 3 ёки 6 ой тўлмаган ходимларни баҳолашга оид ёндашувлар турлича бўлиши мумкин. Аттестацияда бир хил ёндашув ҳар доим маъбул эмас.

Хусусан, эгаллаб турган лавозимида уч ой[11] дан ёки олти ой[12]дан кам бўлган муддат мобайнида иш фаолиятини амалга ошириб келаётган ходимларга нисбатан умумий баҳолаш мезонларини татбиқ этиш ходимнинг ҳақиқий касбий салоҳияти ва ишчи фаолиятини ҳолис акс эттирмаслиги мумкин. Шу сабабли, амалиётда шундай тартиб

ўрнатилганки, мазкур тоифадаги ходимлар билан аттестация комиссияси томонидан суҳбат ўтказилади, бироқ уларнинг фаолияти баҳоланмайди. Аттестация давомида ўтказилган суҳбат натижасида «аттестациядан ўтди», «аттестациядан шартли ўтди», «аттестациядан ўтмади» каби якуний тўхтам қабул қилинмайди. Аксинча, ходимнинг иш фаолияти давомида кузатилган камчиликлар ва ечимга муҳтож жиҳатлар муҳокама қилиниб, аттестация комиссияси томонидан ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий кўрсатмалар, тавсиялар ва педагогик маслаҳатлар берилади.

Хулоса ўрнида, фаолиятини янги бошлаган, яъни ташкилотда иш бошлаганига 3 ой ёки 6 ой тўлмаган ходимларни умумий аттестация тартиби асосида баҳолаш тўғри ёндашув эмас. Чунки уларнинг иш натижалари ҳали етарли даражада шаклланмаган бўлади ва бундай қисқа муддатда хизмат фаолиятини холис ва тўлақонли баҳолаш имкони чекланган бўлади.

Шу сабабли, бундай ходимлар фақат аттестация жадвалига киритилмаслиги керак, балки улар билан суҳбат тарзида мулоқот ўтказилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу орқали ҳам ходимни қўллаб-қувватлаш, ҳам аттестация жараёнининг шаффофлиги ва адолатлилиги таъминланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. 2019-йил 5-февралдаги Давлат дастури тақдироти ва нутқида Президент меҳнат қонунчилиги ва касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган: "Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш орқали ҳар бир ишчининг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилиниши, иш жойидаги низоларни олдини олиш зарур." (Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий сайти — prezident.uz)
2. 2025 йил 5 март куни Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди томонидан кўриб чиқилган 2-1001-2514/24490-сонли фуқаролик иши
3. Силова О.О. Аттестация как компонент эффективной кадровой политики // Современные научные исследования и инновации. 2013. № 6 [Электронный ресурс]. URL: <https://web.snauka.ru/issues/2013/06/25252>
4. Шекшня, С.В. Управление персоналом современной организации [Текст] / С.В. Шекшня, -
5. 2017. – 46 с.
6. Егошина Л. А. Правовые вопросы аттестации работников //Журнал российского права. – 2017. – №. 2 (242). – С. 95-96.
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 сентябрь кунидаги 263-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органларида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.
8. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 2023 йил 17 февраль куни кўрилган 2-2001-2202/10349-сонли фуқаролик иши
9. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди томонидан 2024 йил 19 июнь куни кўриб чиқилган 2-1002-2407/13957-сонли фуқаролик иши
10. Моисеев А. В. Аттестация персонала // Молодой ученый. 2019. № 39 (277). 45 с.
11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2024 йил 27 декабрдаги БР-86-сонли буйруғи билан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 14-банди.
12. Ўзбекистон Республикаси адлоия вазирининг 2018 йил 29 декбардаги 398-сонли буйруғи билан тасдиқланган Адлия органлари ва муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 15-банди